

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„ 25 “ май 2018 й. г. № 391

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
Касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази директори – олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М.М. Холмухамедов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “25” майдаги
391-сон қарорига
1 - илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
Касб-хунар таълими маркази тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функцияларини, хукуқлари ва жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Марказ касб-хунар таълими соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш учун жавоб берадиган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Марказ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади.

4. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сон қарорига мувофиқ амалга оширади.

5. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирининг буйруқларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун хужжатларига амал қиласи.

6. Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар таълими бошқармалари, шунингдек, Марказ таркибига кирувчи Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳамда Метрологик назорат хизмати (кейинги ўринларда Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар деб аталади) юридик шахслар ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

Газначилигига шахсий ғазна ҳисобваракларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги банк ҳисоб рақамларига эга бўладилар.

8. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, қисқартмаси – КХТМ;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Центр профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, қисқартмаси – ЦПО;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – The Center vocational education of the Ministry of Higher and secondary specialized education of the Republic of Uzbekistan, қисқартмаси – CVE.

2-боб. Марказнинг тизими

9. Марказ тизимига қуйидагилар киради:

марказий аппарат;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар таълими худудий бошқармалари (кейинги ўринларда худудий бошқармалар деб аталади);

Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти;

Метрологик назорат хизмати;

идоравий касб-хунар коллежлари;

нодавлат касб-хунар коллежлари.

3-боб. Марказнинг вазифалари ва функциялари

1-§. Марказнинг вазифалари ва функциялари

10. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) тасарруфида касб-хунар коллежлари бўлган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар билан биргаликда касб-хунар таълими соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, касб-хунар таълимини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ҳаётга татбиқ этиш ва касб-хунар коллежларида ўқув-тарбия жараёнига ташкилий ва методик раҳбарлик қилишини таъминлаш;

2) иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифларидан ҳамда илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиб касб-хунар коллежларида ўрта бўғиннинг меҳнат бозорида талаб этилган мутахассисларини тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

3) юқори профессионал раҳбарлар ва педагог кадрларни танлаш ҳамда улар билан касб-хунар колледжларини таъминлаш, уларнинг малакаси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириш, шунингдек, улар меҳнатини рағбатлантириш ишларини тизимли асосда таъминлаш;

4) тизимнинг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлашнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш;

5) республикадаги барча касб-хунар колледжлари ўқув-методик ишларини уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, мувофиқлаштириш;

6) касб-хунар колледжларида таълим сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, таълим жараёнини доимий равишда такомиллаштириш;

7) умумтаълим мактаблари 10-11-синф ўқувчиларининг касбий кўникмаларини шакллантириш бўйича ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида касб-хунар таълими жараёнини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш.

11. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

1) тасарруфида касб-хунар колледжлари бўлган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар билан биргаликда касб-хунар таълими соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, касб-хунар таълимини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ҳаётга татбиқ этиш ва касб-хунар колледжларида ўқув-тарбия жараёнига ташкилий ва методик раҳбарлик қилишини таъминлаш соҳасида:

касб-хунар колледжлари фаолиятини ташкил этиш ва яхшилаш масалаларида давлат бошқарувини амалга оширади;

ягона давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шу жумладан, касб-хунар таълими тизимини янада ривожланишини назарда тутадиган давлат дастурлари ва бошқа дастурлар, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

норматив-хуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Марказга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритади;

Марказ тизимига кирадиган касб-хунар таълими муассасалари ва ташкилотларни ривожлантириш истиқболларини прогнозлаштиради, давлат ва худудий дастурларни ишлаб чиқади;

иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларда касб-хунар колледжлари битирувчиларига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, тасарруфида касб-хунар колледжлари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда касблар ва мутахассисликлар йўналишларини хатловдан ўтказади ва кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

касб-хунар колледжларини лойиҳалаштириш, куриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларининг мониторингини олиб боради;

касб-хунар таълими соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, касб-хунар коллежлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этишда иштирок этади, мамлакатимиз ва хорижий молия ташкилотларининг кредитлари ва грант маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши мониторингини олиб боради;

касб-хунар таълими давлат таълим стандартининг сифатли бажарилишини таъминлаш учун идоравий мансуб бўлинмалар, шунингдек, идоравий ва нодавлат касб-хунар коллежлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

касб-хунар таълими давлат таълим стандарти ҳамда касб-хунар таълими тизими мутахассисларига қўйиладиган малака талабларининг бажарилиши юзасидан идоравий назоратни ташкил этади;

касб-хунар коллежлари ва ҳудудий бошқармалар фаолиятига методик раҳбарликни амалга оширади;

ахборот технологиялари ва молиявий назоратнинг эътироф этилган халқаро стандартларини жорий этиш орқали идоравий мансуб касб-хунар коллежларида бюджет қонунчилиги бузилишининг олдини олишга йўналтирилган молиявий назоратни амалга оширади;

касб-хунар таълими тизимида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади, касб-хунар таълими соҳасида хорижий ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ва ҳамкорликни йўлга қўяди;

хорижий касб-хунар таълими муассасалари билан мамлакатимиз касб-хунар коллежларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

2) иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифларидан ҳамда илгор хорижий таҗрибадан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиб касб-хунар коллежларида меҳнат бозорида талаб этилган ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиши соҳасида:

таълим жараёнига давлат таълим стандартини жорий этади, касблар ва мутахассисликлар бўйича таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади;

иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларни ва меҳнат бозоридаги эҳтиёжлардан келиб чиқиб, касб-хунар коллежларининг кадрлар тайёрлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандарти, мутахассисликлар (касблар) бўйича таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари ҳамда дарсликларни узлуксиз равишда такомиллаштириб боради;

касб-хунар таълим министри йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторини ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг илмий асосланган прогнозларини ишлаб чиқади;

таълим жараёнининг табақалаштирилган дастурларини жорий этиш орқали 6 ойдан 2 йилгача бўлган муддатда кадрларни тайёрлашга методик раҳбарликни амалга оширади;

касбий фанларни ўқитиш билан биргалиқда, касб-хунарга йўналтирилган хорижий тиллар ва меҳнат фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича ўқувчиларнинг билимларини мустахкамлаш дастурларини ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда касб-хунар коллежларини жиҳозлашга бўлган норматив талабларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

3) юқори профессионал раҳбарлар ва педагог кадрларни танлаши ҳамда улар билан касб-хунар коллежларини таъминлаши, уларнинг малакаси ва касбий даражасини мунтазам ошириши, шунингдек, меҳнатини рағбатлантириши ишларини тизимили асосда таъминлаши соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргалиқда касб-хунар коллежларининг барча педагог ходимларини, ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказади ҳамда унинг натижалари бўйича ходимларга тегишли малака тоифаларини белгилайди;

касб-хунар коллежларининг педагог-ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига бўлган эҳтиёжини ўрганади ҳамда олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш учун буюртмалар тақдим этади;

педагог ходимларни рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, касб-хунар таълими тизими ходимларини давлат мукофотларига тақдим этилишини ташкил қиласди;

идоравий мансублигидан қатъий назар, касб-хунар коллежларининг ўқув-методик ишларини ривожлантириш, раҳбар ходимларнинг малака ошириш ўқув курслари натижасида ўз лавозимларига лойиқлиги ёки лойиқ эмаслиги ҳақида тақдимномалар тайёрлайди;

4) тизимнинг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириши ҳамда уларни қайта тайёрлашнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиши соҳасида:

малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида илғор хорижий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда янги шакллар ва усулларни жорий этади;

замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда, педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини бошқаришнинг янги вертикалини ташкил этади;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш даврида касб-хунар коллежлари раҳбар ва педагог ходимларининг иш берувчи корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташини ташкил этади;

касб-хунар таълими тизимининг барча ходимлари учун малака талаблари ва лавозим вазифаларини ишлаб чиқади;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига ахборот технологияларини жорий этиш ва янги ахборот тизимларини ишлаб чиқиш орқали раҳбар ва педагог ходимлар учун ривожланиб борувчи ўқув-методик муҳит яратилишини таъминлайди;

малака оширишнинг тури шакл ва услубларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади;

касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишларини тизимли равишда ташкил этади;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув режалари ва дастурларининг ишлаб чиқилишини ташкил этади ва тасдиқлайди;

манбаатдор давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан касаба уюшмалари билан биргалиқда меҳнатни мухофаза қилиш, касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ва ходимларининг соғлигини ҳимоя қилиш ҳамда ўқиши ва меҳнат қилиши учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этади;

5) республикадаги барча касб-хунар коллежларининг идоравий мансублигидан қатъи назар ўқув-методик ишини мувофиқлаштириши соҳасида:

кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш берувчи корҳоналарнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича касб-хунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёшларни ҳар томонлама баркамол, ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида мустақиллик ғояларига садоқат, миллий ифтихор, Ватанга мухабbat ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик туйғуларини шакллантириш, маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи янги педагогик шакллар ва усуллар асосида ташкил этади;

Марказ тизими фаолиятига тааллуқли журнал ва газеталар, бланкалар, ўқув-методик мажмуалар, бюллетенлар ҳамда ўқув қўлланмаларни нашр этишни, шунингдек, Марказнинг веб-сайти ишини ташкил этади;

етакчи маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиради, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини биргалиқда амалга ошириш учун касб-хунар таълими соҳасига юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этади;

касб-хунар коллежларида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий мустақиллик ғояларига, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга, ҳалқ урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларга асосланган самарали ташкилий ҳамда педагогик шакл ва воситаларини жорий этади;

касб-хунар колледжларида таълим жараёнини ишлаб чиқариш жараёни билан интеграциялаштиришни чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқади ва жорий этади;

касб-хунар таълимини такомиллаштириш борасидаги муаммолар бўйича кенгашлар, симпозиумлар, семинарлар, илмий, ўкув-методик конференциялар, танловлар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

касб-хунар колледжлари ўкувчилари ўртасида фан, касб ва спорт бўйича турли танлов ва мусобақалар ташкил этади;

б) касб-хунар колледжларида таълим сифатини оширишига йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқши ва амалга ошириши, таълим жараёнини доимий равишда такомиллаштириш соҳасида:

таълим тизимида илмий тадқиқотлар олиб борилишини қўллаб-қувватлайди, рағбатлантиради ва уларни муаммоли вазифаларнинг ҳал этилишига йўналтиради;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мутахассисларини, янгиланган ўкув-методик материаллар ва дарсликларни, ўқитишининг замонавий шакл ва методларини касб-хунар колледжларида ўкув-тарбия жараёнини ташкил этишга кенг жалб қилишни таъминлайди;

касб-хунар колледжларида ёшларнинг илмий-техник ижодкорлигини, инновацион гояларини рағбатлантиради, ривожлантиради ва унинг самарадорлигини оширади;

мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ҳамда модернизациялаш жараёнларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўкув жараёнида инновацион гоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб, касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлайди;

касб-хунар колледжларида “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида катталар таълимининг турли шакллари ва турларини, жумладан қисқа муддатли курсларни жорий этади;

касб-хунар колледжлари битирувчиларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди ва унинг жорий этилишини назоратга олади;

касб-хунар колледжлари ва иш берувчи ташкилотларда ўкувчиларнинг ўкув ва ишлаб-чиқариш амалиётини сифатли ўтказиши юзасидан мониторингни амалга оширади;

касб-хунар колледжлари ўкувчиларининг билими ва таълим сифатига таъсир қиласидаги омилларни аниқлаш бўйича тизимли мониторингни амалга оширади;

таълим сифати мониторинги олиб борилишини назорат қилиш ва амалга ошириш бўйича хужжатлар ва методик тавсияларни ишлаб чиқади;

таълим сифатининг умумий ҳолати асосида касб-хунар колледжлари рейтингини аниқлайди;

7) умумтаълим мактаблари 10-11-синф ўқувчиларининг касбий кўнижмаларини шакллантириши бўйича ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариши мажмуналарида касб-хунар таълими жараёнини мувофиқлаштириши ва методик таъминлаши соҳасида:

ўқув-ишлаб чиқариш мажмуналарида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбларни ўргатиш ишларини ташкил этади;

касбларнинг малака талаблари, машғулотлар режалари ва дастурларини хамда касбий таълим бериш жараёнининг методик таъминотини такомиллаштириб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

касб-хунар коллежларидан олисда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларининг касбий таълим соҳасидаги фаолиятини ўрганиш асосида таклиф ва тавсиялар тайёрлайди;

касб-хунар колледжларининг амалий-методик иш тажрибасига эга бўлган малакали педагог кадрлар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўқув-ишлаб чиқариш мажмуналарида белгиланган тартибда фаолият юритиши юзасидан таклифлар тайёрлайди;

касбий таълим жараённида “уста-шогирд” анъаналари, маҳаллий ва хорижий илғор тажрибани ўрганган ҳолда энг мақбул усуллардан фойдаланиш бўйича ўқув-методик кўлланмалар ишлаб чиқади.

2-§. Марказий аппаратнинг вазифалари ва функциялари

12. Куйидагилар марказий аппаратнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар билан биргаликда Марказга юкландган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

2) касб-хунар таълими давлат таълим стандарти, мутахассисликлар (касблар) таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларнинг такомиллаштирилишини ва ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида таълим сифати мониторинги олиб борилишини ташкил этиш;

3) ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш фаолиятини мувофиқлаштириш;

4) ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва ижтимоий кўллаб-куватлашни ташкил этиш;

5) касб-хунар коллежларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

6) Марказ тизимида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

7) ҳудудий бошқармаларда ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотларда кадрлар билан таъминлашни мувофиқлаштириш;

8) Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотларни ривожлантиришга кўмаклашиш, уларни ривожлантириш концепциялари ва истиқболларини белгилаш.

13. Марказий аппарат унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ күйидаги функцияларни амалга оширади:

1) Марказ ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-тахлил жиҳатидан таъминлайди;

2) ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиға киравчи бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази директори – олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари (кейинги ўринларда Марказ директори деб аталади) ва буйруқлари ва фармойишлари амалга оширилишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади;

4) Марказ томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган хужжатларнинг сифатли ва ўз вактида ишлаб чиқилишини ҳамда уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

5) ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиға киравчи бошқа ташкилотлар фаолияти мониторингини олиб борилишини ташкил этади;

6) касб-хунар таълимини ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишига кўмаклашади;

7) Марказнинг фаолияти, шу жумладан қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

8) бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида касб-хунар таълими тенденциялари тўғрисида Марказ раҳбарияти учун ахборотни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қиласди;

9) касб-хунар таълими масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларига ахборот, методик, ташкилий ва маслаҳат ёрдами беради;

10) Марказ ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар билан шугулланади;

11) Марказнинг ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиға киравчи бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қиласди ва таҳлил этади;

12) Марказнинг ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиға киравчи бошқа ташкилотлар билан биргаликда ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлайди;

13) касб-хунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

14) касб-хунар таълими соҳасида нодавлат таълим хизматларини қўрсатиш фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди;

15) касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этади;

16) касб-хунар таълими сифатининг мониторингини олиб боради;

17) касб-хунар колледжларида ўқитишининг турли шаклларини жорий этади ва таълим беришнинг муқобил шаклларини ривожлантиради;

18) умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим бериш жараёнини мувофиқлаштиради ва методик таъминлайди;

19) республика бюджетидан молиялаштириладиган Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотларда молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этади;

20) Марказ тизимидағи ташкилотларда ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этади ва амалга оширади;

21) касб-хунар колледжларининг бинолари ва иншоотларидан жорий фойдаланиш ишлари мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

22) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

23) хорижий инвестициялар жалб этилишини ва халқаро ҳамкорликни ташкил этади.

3-§. Ҳудудий бошқармаларнинг вазифалари ва функциялари

14. Куйидагилар ҳудудий бошқармаларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) Марказга юкландырылған вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

2) Коракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) хокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари (кейинги ўринларда комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш;

3) касб-хунар таълими соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш;

4) касб-хунар колледжларида ўқув-методик фаолиятни мувофиқлаштириш;

5) нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширадиган юридик шахсларни қўллаб-куватлаш ҳамда касб-хунар колледжларида таълим беришнинг муқобил шаклларини ривожлантириш;

6) касб-хунар колледжларида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш.

15. Ҳудудий бошқармалар ўзларига юкландырылған асосий вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ҳудудий бошқармалар ва уларнинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

2) касб-хунар колледжлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари

ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, Марказнинг буйруқлари бажарилиши мунтазам назорат қилинишини таъминлайди;

3) касб-хунар колледжлари томонидан киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида қайта ишланишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва хуқукий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

4) касб-хунар колледжлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

5) касб-хунар колледжларининг методик фаолиятини мувофиқлаштиради;

6) идоравий касб-хунар колледжлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

7) касб-хунар таълими соҳасида нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди;

8) нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширадиган юридик шахсларни қўллаб-қувватлайди ҳамда касб-хунар колледжларида таълим беришнинг муқобил шаклларини ривожлантиради;

9) касб-хунар колледжларида давлат таълим стандартини ва мутахассисликлар (каслар) таълим стандартларини бажариш мониторингини ташкил этади;

10) касб-хунар колледжларининг бинолари ва иншоотларини жорий таъмирлаш ишлари мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

11) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

12) ваколатига тегишли ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди.

4-боб. Марказ ва унинг худудий бошқармаларининг хуқуқлари ҳамда жавобгарлиги

1-§. Марказнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

16. Марказ ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги хуқуқларга эга:

норматив-хуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Марказга юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига киритиши;

Марказ ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик ахборотни давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар, худудий бошқармалардан, касб-хунар колледжларидан тизимга тегишли маълумотларини ва касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш прогноз кўрсаткичларини олиш;

Марказнинг ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотларнинг давлат мулкини бир бўлинмадан бошқасига белгиланган тартибда бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқишида иштирок этиш, Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Марказ ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро даражада белгиланган тартибда ифодалаш;

Марказ ваколатига кирадиган масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

ўз ваколатлари доирасида норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиш, зарур холларда, давлат бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда қарорлар ва бошқа хужжатларни қабул қилиш;

Марказ ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан уларнинг тегишли соҳадаги фаолияти асосий кўрсаткичларининг параметрлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

касб-хунар таълимининг тааллуқли масалаларини ҳал этиш, касб-хунар коллежлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, ходимлари ва ўқувчиларининг белгиланган ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

халқаро ва республика миқёсидаги илмий-тадқиқот дастурларида иштирок этиш, илмий инвестицияларни жалб этиш, таълим тизимига халқаро грантлар киритилишини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъий назар, касб-хунар коллежлари томонидан “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва касб-хунар таълими масалалари бўйича бошқа қонун хужжатлари бажарилишини белгиланган тартибда ўрганиш;

мутахассисликлар (каслар) таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари мазмунини такомиллаштириш бўйича педагогика фани ютуклари ва илғор тажриба асосида тавсиялар ишлаб чиқиш учун Илмий-методик кенгаш ташкил этиш, Илмий-методик кенгаш таркибини ва Кенгаш низомини тасдиқлаш;

касб-хунар коллежларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш юзасидан хулосалар бериш;

идоравий мансублигидан қатъий назар, касб-хунар коллежлари ўқув-методик ишларини ривожлантириш, раҳбар ходимларнинг ўз лавозимларига лойиқлиги масалаларини тасарруфида касб-хунар коллежлари бўлган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар билан биргаликда кўриб чиқиш ҳамда хулосалар тайёрлаш;

хорижий инвестициялар хисобига сотиб олинадиган ўқув-лаборатория ва устахона жиҳозларининг қабул килинган таълим стандартларига мос келиши, ишлатилиши ва сақланиши юзасидан таклифлар ва хуносалар бериш;

касб-хунар таълимини ривожлантириш ҳамда ахборот-методик таъминлашни яхшилашга қаратилган газета ва журнallарга муассислик қилиш;

ўқувчиларни спортга жалб этишни кенгайтириш ва уларнинг турли мусобақаларда фаол иштирокини таъминлашга қўмаклашадиган жамғармаларни ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида касб-хунар коллежлари учун малакали педагоглар ва ишлаб-чиқариш таълими усталари тайёрлашни мувофиқлаштириш ва унга методик раҳбарлик қилишда иштирок этиш;

ўз ваколатлари доирасида ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Марказ фаолиятини кенг ёритиш мақсадида ижтимоий тармоқларда расмий веб-сайтлар, шунингдек, саҳифалар яратиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган ўнда тадбирларда иштирок этиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳайъат мажлисларида ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшлиш;

давлат муассасалари ва касб-хунар таълими соҳасида нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар томонидан касб-хунар таълими тўғрисидаги конун хужжатларининг бажарилишини назорат қилиш;

касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб ва истиқболи муаммоларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гурухлар ташкил этиш;

ўқув дастурлари, дарслклар, ўқув қўлланмалари ва методик материаллар тўғрисида хуносалар тайёрлаш;

ноширлик фаолияти билан шуғулланиш.

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Марказ:

ўзига юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, касб-хунар таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

Марказ фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-хукуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Марказ томонидан қабул

килинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар амалга оширилишининг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

касб-хунар таълими соҳасини ривожлантириш, шунингдек, касб-хунар таълими соҳасида худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

2-§. Марказий аппаратнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

18. Марказий аппарат ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

касб-хунар таълими масалалари бўйича таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни ҳудудий бошқармаларидан ва Марказ таркибиغا кирувчи бошқа ташкилотлардан сўраш ва олиш;

Марказда кўриб чиқиладиган касб-хунар таълими масалаларини ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойихаларини тайёрлаш учун ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиغا кирувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакилларини зарур бўлганда белгиланган тартибда жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ва ишчи гурухлар ташкил этиш;

ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиغا кирувчи бошқа ташкилотлардан ўзлари томонидан киритилган касб-хунар таълими бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойихаларини пухта ишлашни талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни қайта ишлаш учун қайтариш;

ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиغا кирувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, шунингдек касб-хунар коллежлари директорлари иштироқида йиғилишлар ўтказиш;

ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиغا кирувчи бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳал қилишни талаб этадиган ва Марказга юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлик масалалар юзасидан топшириклар бериш;

қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириклари, шунингдек, Марказнинг буйруқлари ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиغا кирувчи бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш ҳуқуқига эга.

Марказий аппарат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Марказий аппарат:

ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибиغا кирувчи бошқа ташкилотлар билан биргаликда Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Марказ фаолияти билан боғлик прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича марказий аппарат таркибий бўлинмалари ишини ташкил этиш;

Марказ томонидан кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойихалари, шунингдек, Марказ томонидан қабул килинадиган буйрукларнинг тайёрланиш сифати ва экспертизадан ўтказилиши;

касб-хунар таълимини ривожлантириш, шунингдек, касб-хунар таълими соҳасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатлар ҳудудий бошқармалар ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкilotлар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш учун жавоб беради.

3-§. Ҳудудий бошқармаларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

20. Ҳудудий бошқармалар ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудий бошқармалардан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

касб-хунар таълими соҳасининг энг муҳим муаммоларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича ҳудудий даражада идоралараро комиссиялар ва кенгашлар тузиш;

касб-хунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ҳудудий бошқармалар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Ҳудудий бошқармалар:

Марказга юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

ўзларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

Марказга киритилаётган ҳужжатлар лойихалари ва таклифлар, шунингдек, ҳудудий бошқармалар томонидан қабул килинадиган қарорларнинг сифатли амалга оширилиши, пировард натижалари ва оқибатлари;

туман (шахар)ларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида касб-хунар таълими соҳасини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ривожлантиришга доир таклифларни тайёрлаш;

касб-хунар таълими соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши учун жавоб беради.

5-боб. Марказ раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

22. Куйидагилар Марказ директорининг асосий функционал вазифалари хисобланади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий хужжатларга риоя этиш;
- 2) Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун хужжатларига мувофик Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чукур тахлил қилиш;
- 4) Марказ, унинг ҳудудий бошқармалари ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Президенти девони хизматлари ва Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишида иштирок этиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини бажариш;
- 7) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Марказнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Марказ фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулият даражасини белгилаш;
- 8) Марказ фаолиятининг режалаштирилишини ташкил этиш, Марказ ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришининг амалий тизимини яратиш, Марказ фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофик ҳудудий бошқармалар, шунингдек, Марказ таркибига

кирувчи бошқа ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

10) Марказ ходимларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

11) Марказ тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Марказнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Марказга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал даражасини, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятлари ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлигининг кафолатини таъминлаш;

13) фаолият соҳасига оид масалалар бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламенти (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамасининг регламенти деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг регламенти (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламенти деб аталади) талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

14) “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Марказнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

15) Марказга тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни хуқуқий, молиявий, иқтисодий экспертиза ва бошқа экспертизадан пухта ўтказиш, шунингдек, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 марта ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида

бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ Марказ раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

17) ўз ўринбосарлари ва ҳудудий бошқармалар, шунингдек, Марказ таркибида кирувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Марказ хайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

18) Марказ ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

19) Марказ ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Марказ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Марказ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) талабларига риоя этилишини таъминлаш;

20) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Марказ тизимида коррупция ва бошқа хуқукбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хуқукни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

21) Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек, Марказ таркибида кирувчи бошқа ташкилотлар ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

22) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, “ягона дарча” принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

23) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишига доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулокотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда

ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан жойларга бориб қабул қилиш;

24) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали хамкорликни, уларнинг фаолиятида Марказ ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасига тушган мурожаатлари ўз вактида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

25) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

26) Марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар тўғрисидаги низомларни, Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

27) Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

28) Марказий аппарат ходимларини, ҳудудий бошқармалар, шунингдек, Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар раҳбарларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

29) Марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар, Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар мансабдор шахслари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш;

30) Марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар, Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар тузилмаси ва штат жадвалини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ходимларнинг сони доирасида тасдиқлаш;

31) Марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар, Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар тузилмасига зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш.

23. Кўйидагилар Марказ директори ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга риоя қилиш;

2) Марказ директори вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Марказнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Марказ фаолиятининг йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, бўлинмалар

раҳбарларининг хисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, Марказнинг таркибий бўлинмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари хамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириклар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

8) Марказ ҳайъати, Марказ директорининг буйруқлари ва топшириклари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Марказ директорига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал даражасини, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлигининг кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Марказнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Марказ директори томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида Марказ директорининг топшириғига биноан иштирок этиш;

11) Марказга тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, молиявий, иқтисодий, хукуқий экспертиза ва бошқа экспертизадан пухта ўтказиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги

ПК-3137-сон қарорлари талабларига мувофиқ хизмат сафарларини амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Марказ ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

14) касб-хунар таълими соҳасига тегишли масалалар бўйича Марказ фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, касб-хунар таълими соҳасидаги қонун хужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Марказ директорига киритиш;

15) таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш бўйича Марказ директорига таклифлар киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

16) Марказ ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

17) хуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

18) Марказ директорига давлат хизматларининг самарадорлиги, сифатини ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни киритиш;

19) “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, ахоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга кўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равиша шахсан қабул қилиш, шу жумладан жойларга бориб қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасига тушган мурожаатлари ўз вактида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

24. Куйидагилар марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий хужжатларга риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик килиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) тегишли таркибий бўлинмалар ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Марказ директорининг мутасаддилик қиласидаги ўринбосарларига таклифлар киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, Марказ таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топширикларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

6) Марказ ҳайъати қарорлари, Марказ директори ва унинг ўринбосарларининг буйруқлари ҳамда топшириклари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, худудий бошқармалар ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Марказ раҳбариятига киритиш;

10) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйишда Марказ директори ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал даражасини, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлигининг кафолатини

таъминлаш, касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) норматив-хуқукий хужжатлар лойиҳаларининг таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Марказнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган хужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Марказ раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш), учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Марказ раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-хуқукий хужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишида иштирок этиш;

12) Марказга тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқукий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, молиявий, иқтисодий, хуқукий экспертиза ва бошқа экспертизадан пухта ўтказиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ хизмат сафарларини амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

14) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишида танқидий таҳлил қилиш, йигилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

15) Марказ ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, таркибий бўлинмалар ходимлари ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

16) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Марказ тизимида коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукукни кўллаш амалиёти ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

17) Марказ раҳбариятига давлат хизматларининг самарадорлиги, сифатини ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифлар киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик

шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасига тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

25. Куйидагилар худудий бошқармалар раҳбарларининг асосий функционал вазифалари хисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий хужжатларга риоя қилиш;

2) худудий бошқармалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва бошқа қонун хужжатлари ва Марказ буйруқлари билан уларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) худудий бошқармалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун худудий бошқармалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

5) Марказ ҳайъати қарорлари, Марказ директори ва унинг ўринbosарларининг буйруқлари ва топшириклари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) касб-хунар таълими соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари билан ҳамкорлик қилиш;

7) ўз ўринbosарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, худудий бошқармаларнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Марказнинг худудий бошқармалари фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш;

8) Марказнинг худудий бошқармалари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, худудий бошқармалар ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

9) Марказнинг худудий бошқармаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, худудий бошқармалар кадрлар захирасини шакллантириш;

10) Марказ директори номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, худудий бошқармаларга ишга қабул қилинаётган бошка кадрларнинг профессионал даражасини амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлигининг кафолатини таъминлаш;

11) худудий бошқармалар ходимларини, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чора-тадбирлар кўриш;

12) худудий бошқармалар ходимлари томонидан Марказ ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

13) хуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали худудий бошқармалар тизимида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошка хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

14) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда худудий бошқармалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Марказ директорининг мутасаддилик қиласидан ўринбосарларига таклифлар киритиш;

15) худудий бошқармалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

16) худудий бошқармалар фаолиятига оид масалалар бўйича қонун хужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифатини ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Марказ раҳбариятига киритиш;

17) касб-ҳунар коллажлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик

шахсларнинг вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасига тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чикиш;

20) ҳудудий бошқармалар ходимларининг лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий чора қўллаш тўғрисида карор қабул қилиш, давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Марказга таклифлар киритиш;

21) давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

6-боб. Марказ раҳбарларининг жавобгарлиги

26. Марказ директори:

1) Марказга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган Марказнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 22-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

27. Марказ ўринбосарлари:

1) Марказнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида Марказга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган Марказнинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 23-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

28. Марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

1) тегишли таркибий бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

2) ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган марказий аппаратнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

29. Ҳудудий бошқармалар раҳбарлари:

1) ҳудудий бошқармаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган ҳудудий бошқармаларнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

7-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

1-§. Марказ раҳбарияти

30. Марказга Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Марказ директори – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринbosари бошчилик қиласди.

31. Марказ директорининг икки нафар ўринbosари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринbosари бўлади.

32. Марказ директорининг ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

33. Марказ директори бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига биноан унинг ўринbosарлари томонидан бажарилади.

34. Худудий бошқармалар бошликлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

35. Марказ директори Марказнинг таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

36. Марказ директори марказий аппарат бошқармалари ва бўлимлари, худудий бошқармалар тўғрисидаги низомни, Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди.

2-§. Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг худудий бошқармалар ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тартиби

37. Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг худудий бошқармалар ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

Марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари худудий бошқармалар ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиш доирасида:

1) топширикларни худудий бошқармаларга ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

2) худудий бошқармаларга ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотларга таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қиласди;

3) худудий бошқармалар ва Марказ таркибига киравчи бошқа ташкилотларнинг фаолият юритиш амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қиласди;

4) худудий бошқармалар ва Марказ таркибига киравчи бошқа ташкилотлар фоалиятини ташкил этиш ва фоалияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

5) худудий бошқармалар ва Марказ таркибига киравчи бошқа ташкилотларнинг иш режаларини таҳлил қиласди, фоалиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар кўради;

6) худудий бошқармалар ва Марказ таркибига киравчи бошқа ташкилотлардан тушган таклифларни кўриб чиқади;

7) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда худудий бошқармалар ва Марказ таркибига киравчи бошқа ташкилотларнинг иштирокини ташкил этади, касб-хунар таълими соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

38. Худудий бошқармалар ва Марказ таркибига киравчи бошқа ташкилотлар марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қиласди, шу жумладан:

1) Марказ раҳбарияти топшириқларининг ижроси ҳақида ахборот беради;

2) касб-хунар таълими соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фоалият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

3) уларнинг фоалиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида маълумот беради;

4) ўз фоалияти натижалари тўғрисидаги ҳисботларни белгиланган тартибда ва муддатларда марказий аппаратга тақдим этади;

5) касб-хунар таълими муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни марказий аппаратга юборади;

6) комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ахборот беради;

7) ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фоалиятини текшириш натижалари тўғрисида хабар беради.

39. Марказий аппарат таркибий бўлинмалари, худудий бошқармалар ҳамда Марказ таркибига киравчи бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараённида юзага келадиган келишмовчиликлар Марказ директорининг топшириғига биноан тегишли ўринbosари томонидан кўриб чиқлади.

Агар кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар ҳал этилмаса, бевосита Марказ директори уларни бартараф этиш бўйича қарор қабул қиласди.

3-§. Марказнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

40. Марказ ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Худудий бошқармалар ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг худудий бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

41. Худудий бошқармалар тегишли худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқишида ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилади.

42. Марказ фаолиятига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизмати мутасаддилик қилади.

4-§. Марказ ҳайъати

43. Марказда Марказ директори (ҳайъат раиси), Марказ директорининг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек, Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи Марказ таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Марказ директорининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

44. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланди:

Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

конун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун касб-хунар таълими тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда, худудий бошқармалар ва Марказ таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

Марказ фаолиятининг касб-хунар таълими соҳасида кенг дунёқарашиб, чуқур билимга эга бўлган, хозирги бозор шароитларида муайян касб-хунар ва иш кўнимларини эгаллаган ёшларни тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, касб-хунар таълими соҳасида мақсадли вазифалар ва устувор йўналишларни рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирларнинг натижадорлигини ҳар чоракда мунтазам кўриб чиқиш;

жойларда касб-хунар таълим мининг долзарб масалалари муҳокама қилинишини таъминлаган ҳолда, ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Марказий аппаратга ва унинг тизимиға кирадиган лавозимлар номенклатурасини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Марказ номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини қўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Мажкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Марказ раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Марказ ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқишга ҳақли.

45. Ҳайъат мажлисига Марказ ваколатига кирадиган масалалар юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

46. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

47. Ҳайъат қарорлари Марказ директорининг буйруклари билан амалга оширилади.

48. Марказ директори ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Марказ директори юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирига ва Вазирлар Мажкамасининг мутасаддилик қиласиган комплекси раҳбарига ахборот берган холда мустақил равишда қарор қабул қиласи. Шунингдек, ҳайъат аъзолари ҳам Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирига ва Вазирлар Мажкамасининг мутасаддилик қиласиган комплекси раҳбарига ўз фикрини маълум қилиши мумкин.

49. Ҳайъат фаолиятининг тартиби унинг ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламенти билан белгиланади.

5-§. Марказ Илмий методик кенгаши

50. Марказда Илмий методик кенгаш жамоатчилик асосида фаолият юритади. Кенгаш таркиби ҳар 3 йилда бир марта Марказ директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

51. Илмий методик кенгаш:

давлат таълим стандартлари, ўқув режалар, дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари мазмунини такомиллаштириш бўйича илғор тажрибалар асосида тавсиялар ишлаб чиқади;

илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек, касб-хунар таълими соҳасидаги илмий изланишлар натижаларининг таълим жараёнида қўлланилишини ривожлантириш масалаларни қўриб чиқади.

Илмий методик кенгаш касб-хунар таълимини методик таъминлашни мустаҳкамлашга қаратилган бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқишга ҳақли.

52. Илмий методик кенгаш йиғилишларига Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар вакиллари таклиф этилиши мумкин.

53. Илмий методик кенгаш ўз фаолиятини Марказ директори томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширади.

8-боб. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

54. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

55. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматлари билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қиласидаги комплекси раҳбари томонидан тасдиқланадиган Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

56. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Марказ раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Марказ фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонун ҳужжатларига кўра белгиланади.

9-боб. Марказни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

57. Марказий аппарат, худудий бошқармалар ҳамда Марказ таркибига киравчи бошқа ташкилотларни моддий-техник таъминлаш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

58. Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

Марказ ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар Марказ директори томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

59. Марказ ходимларига ойлик иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

10-боб. Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига, Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот берishi

60. Марказ директори Марказнинг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига, Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ҳисобот беради.

61. Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қиласидаги комплекси раҳбари Марказ раҳбарларига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун уларнинг фаолияти бўйича мунтазам мониторинг олиб боради, Марказ фаолиятининг самарадорлигига холисона баҳо беради.

62. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Марказнинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

11-боб. Якунловчи қоида

63. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “25” майдаги
391-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган
деб хисобланаётган айrim қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “2010-2011 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим-муассасаларига қабул тўғрисида” 2010 йил 1 июлдаги 131-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2010 й., 26-27-сон, 212-модда) 1-иловаси.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Таянч касб-хунар коллежи ва унинг филиаллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2010 йил 19 августдаги 180-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2010 й., 8-сон, 45-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 12 июлдаги 204-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2011 й., 28-сон, 291-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 26 августдаги 244-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2011 й., 8-сон, 73-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2014 йил 14 апрелдаги 91-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2014 й., 16-сон, 179-модда).

